

БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРДА КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ ЖИХАТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.92.52.033>

Насиба Жуманова Шербоевна,

Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида коммуникатив қобилиятларни шакллантиришнинг мазмун моҳияти масалалари ўрганилган. Бўлғуси бошлангич синф ўқитувчиларнинг касбий хусусиятлари, касбий тайёргарлик жараёни педагогик қобилиятлар муаммосига асосланиб ёритилган.

Калит сўзлар: Коммуникатив қобилият, педагогик қобилиятлар, тренинг, мулоқот, муомала, нутқ, фикр, одоб-ахлоқи, инсонпарварлик, муносабат, масъулиятли, талабчан, адолатли бўлиш, билимдонлик, ҳалоллик, ростгўйлик ўқитувчи

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ

Насиба Жуманова Шербоевна,

*преподаватель Джиззакского государственного педагогического
института*

Аннотация: Это статья является одной из наиболее актуальных тем дня и посвящена важности формирования навыков общения для будущих учителей. Основанное не проблемы педагогических навыков.

Ключевые слова: коммуникативные навыки, педагогические навыки обучение, общение, речь мнение.

FEATURES OF THE FORMATION OF COMMUNICATIVE ABILITIES OF FUTURE TEACHERS

Nasiba Jumanova Sherboevna,

teacher of the Jizzakh State Pedagogical Institute

Annotation: This article is one of the most relevant topics of the day and is devoted to the importance of developing communication skills for future teachers. Based on the problem of pedagogical skills.

Key words: communication skills, pedagogical skills, teaching, communication, speech opinion.

Бугунги кунда таълим соҳасига фақатгина ўқимишли, дипломга эга инсон эмас, балки педагогик коммуникатив қобилиятли воқеяликни олдиндан кўра оладиган, тўғри қарор қабул қилиш маҳоратига эга, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз устида тинимсиз ишлайдиган, оқил ва баркамол инсонни тарбиялаш муаммоси қўйилмоқда.

Бу борада ҳурматли юртбошимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакалимутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорига муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз зарур”, деган фикрларини айтиб ўтиш жойиздир.

[1.16].

Ҳозирги замон мактаби муаллимлик шахси ва касбий фаолияти учун зарур бўлган сифат ва фазилатларни эгаллаган, янги фикрлайдиган коммуникатив қобилият эгаси бўлган, ижтимоий фаол бўлган педагогларни талаб қилмоқда. Ана шундай қатор муаммоларни ҳал этишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий хусусиятларини ва касбий тайёргарлик жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил этишдир.

Шунга биноан мамлакатимиз таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохатларнинг устувор йўналишларидан бири ҳам кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон талаблари даражасига етказишдир.

Бу борада, Россия психологларидан Н.В. Кузмина, В. Сласенин, Ф.Н. Гоноболдин, Ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур ҳислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради. Р.З. Гайнутдинов, М.Г. Давлетшин, С. Жалилова, А. Жабборов, М. Капланова ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида ҳам ўқитувчилик касби ва таълим жараёнига доир муаммолар кенг тадқиқ этилган.

Ўқитувчилик касби – ахлоқий характерга эга бўлган инсонпарвар касблардан бири бўлиб, ўқувчиларга инсоний муносабатда бўлиш ўқитувчи фаолиятининг асосий тамойили ҳисобланади. Бу ўқитувчидан болаларни севиш, уларни кадр-қимматини ҳурмат қилиш, шўхликларига бардошли бўлиш, уларни жисмоний ва ахлоқий мажруҳ этувчи нарсаларга мурасасиз бўлишни талаб этади. Ўқитувчининг одоб-ахлоқи, инсонпарварлиги – болаларнинг келажаги учун ғамхўрлик қилиш, уларни ҳаётга ижтимоий ва меҳнат фаолиятига тайёрлашга интилишида намоён бўлади. Хушёрлик, педагогик муомала, диққат-эътиборли бўлиш, болаларни севиш, уларга яхшилик қилиш, ўқитувчилик бурчини англаш, масъулиятли, талабчан ва адолатли бўлиш, билимдонлик, ҳалоллик, ростгўйлик қабилар ўқитувчига хос касбий ахлоқий фазилатлардир.

Педагогик қобилият – бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўпқиррали психологик билимлардан иборатлигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

-коммуникатив қобилияти - бу болалар билан мулоқотда бўлишга, ўқувчиларга ёндашиш учун тўғри йўл топа билишга, улар билан педагогик нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир. [2.79].

Коммуникатив қобилиятлар, сўз, фикр – туйғу орқали муносабат, ўзаро фикр алмашув, фаҳм-идрокли бўлиш, турли қобилият кўринишлари, қирралари иқтидорлигига эга бўлиш, динамизм (ҳаракатчанг), фаол, олға силжиш; эмоционал (ҳис-туйғу жўшқин), қатъиятлик, кунт, сабот – чидамли; келажакка ишонч (келажакни кўра билиш), эътиборли, нуфузли бўлиш (ўз таъсирчанлиги билан маҳлиё, мафтун эта билиш), Педагогик техника ўз-ўзини бошқара олиш, бошқалар билан алоқа – муносабат ўрната олиш каби малакаларига эга бўлиш таълим-тарбия самарадорлигини таъминлашни

қафолатлайди.

Махсус педагогик қобилиятлари ичида шундайлари ҳам борки, уларни аниқ ўқитувчилик ёки тарбиячилик фаолиятига мансуб деб ажратиб бўлмайди. Негаки, улар ҳар иккаласи учун ҳам бир ҳилда зарурдир. Бу нарса - педагогик мулоқот, муомаладир. Психолог олим В.А.Кан-Калик бундай қобилиятни тадқиқ қилиб шундай ёзган эди. “Педагогик иши ўз тузилишида икки юздан ортиқ тузилмани ташкил қилади. Мулоқот унинг энг мураккаб томонларидан биридир, негаки у орқали педагогик фаолиятнинг энг асосий мақсади - ўқитувчи шахсининг ўқувчи шахсига тўсири амалга оширилади.

Педагогнинг муҳим маҳоратларидан яна бири ўқувчилар билан узок ва самарали таъсир ўтказишни ташкил этишидир”. Одатда бу маҳоратни педагогнинг коммуникатив қобилияти билан боғлайдилар. Касбий педагогик мулоқотига эга бўлиш - шахслараро мулоқотга тегишли бўлган педагог шахсининг муҳим томонидир. [3.92].

Айтиб ўтиш жоизки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг шаклланиб бораётган педагогик мулоқот чоғида намоён бўладиган коммуникатив қобилияти - бу болалар таълим ва тарбияси билан боғлиқ педагогик таъсир доирасида ўзига хос равишда намоён бўлувчи муомала қобилиятидир. Шулардан келиб чиққан ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, бўлакжак бошланғич синф ўқитувчиларининг коммуникатив қобилиятлари ҳам бирдек намоён бўлавермайди ва педагог учун бирдек зарур бўлмайди. Иккинчидан, бўлакжак бошланғич синф ўқитувчиларининг эгаллаши лозим бўлган бир қатор коммуникатив малака ва кўникмалар борки, улар бошқа касбдаги кишилар учун муҳим аҳамиятга эга эмас. Жумладан, бўлакжак бошланғич синф ўқитувчиларининг инсоннинг бошқа кишиларни тушуна олиши, ўз-ўзини англаши, мулоқот жараёнида тўғри баҳолаши, тўғри қабул қилиши, бошқа одамлар билан тўғри муносабатга кириша олиши, ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлиши жоиз.

Ҳар бир ажратилган коммуникатив қобилиятлар гуруҳини батафсил кўриб чиқиб, шу билан бирга педагогик мулоқот даврида бу қобилиятларнинг яхши ривожланмаганлиги сабабли юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни кўрсатиб ўтамиз.

Демак, бугун олий таълимда таҳсил олаётган ҳар бир бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари энг аввало ўқув-тарбия жараёнида ўзининг коммуникатив қобилиятларини риволантиришга эътибор беришлиги, кўпроқ китоблар мутоала қилиш ўртоқлари билан дўстона мулоқотда бўлиши, ўзаро фикр алмашишлари, мавзуга доир муаммони таҳлил қилишлари лозим бўлади.

Инсонни инсон томонидан билиш - инсонни шахс сифатида умумий баҳолашдир. У одатда бир кўришда олинган таъсиротлар натижасида жамланиб, унинг шахсини айрим томонлари, мотивлари, ва келгуси режаларини баҳолаш; ташқи кўриниш ва одамнинг ички ҳиссиётлари ўзаро боғлиқлигини баҳолаш; жеслари, имо-ишоралари, мимика ва пантомимикаларни ўқиб билишда намоён бўлади.

Одамни ўз-ўзини билиши ўз билимларини, ўз қобилиятларини, ўз характерини ва бошқа шахснинг ўзидаги хусусиятларини баҳолаш; сиртдан қараганда одам қандай қабул қилинади ва у бошқа одамлар кўзида қандай

намоён бўлишини била олишдир.

Педагогик мулоқотнинг махсус жиҳатининг намоён бўлиши, педагог томонидан рағбатлантириш ва жазолаш усулининг қўлланишидир. Агар рағбатлантириш ёки жазолаш хизматга яраша одилона бўлса, улар ўқувчиларнинг ютуқларини қўллаб қувватлайдилар.

Ушбу мулоҳазалардан кўриниб турибдики, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида коммуникатив қобилиятларини шаклланиши уларда мажбурият ва жавобгарлик ҳиссининг таркиб топиши билан боғлиқдир. Уларда ана шундай сифат ва кечинмалар тўла шаклланган бўлса, билимларни эгаллаш ёки касбий камолоти учун ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Бўлажак ўқитувчилар коммуникатив қобилиятини ривожлантириш мумкин бўлган жараён дир. Уларни шакллантиришда ижтимоий-психологик тренинг яхши натижа беради.

Педагогик этика ёки коммуникатив қобилият нуқтаи назаридан ҳар-бир бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиси ўз билим малака ва кўникмалари моҳиятини тарғиб этувчи маълумотни аудиторияга етказаетганда қуйидагиларга эътибор бериши кўзда тутилади;

- ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги коммуникатив алоқага эътибор қаратиш;

- ўқитувчи ҳар-бир жумлани тўғри тушуна олиши;

- касбий педагогик мулоқотига эга бўлиш -шахслараро мулоқотга кириша олиш;

- диққат билан тинглаш техникасига риоя қилиш;

-овоз ва товуш имкониятларидан тўғри фойдалана олиш;

- ўз-ўзини англаши, мулоқот жараёнида тўғри баҳолаши, тўғри қабул қилиши;

-талабалар билан тўғри муносабатга кириша олиши;

- ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлиш;

- талабалар билан ижтимоий-психологик тренинглар ўтказиш;

- белгиланган мақсадга эришиш учун зарур билимларни танлаш сўз ўйини ва тадбирлар ўтказиш;

- мулоқот жараёни мониторингини яратиш каби лар.

Ушбу келтирилган масалалардан ҳар бирининг “салмоғи”ни аниқлаш, уларни яхлитбир тизим - “мажмуа”га бирлаштириш-бўлғуси педагог коммуникатив қобилиятларини шаклланиши самарали ҳал этилади.

Юқорида қайд этилганлардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилиши ўқитувчиларни замон билан ҳамнафас бўлишга, ўзининг коммуникатив қобилиятларини шакллантирибгина қолмасдан, ёшларни тарбиялаш дарди билан яшаш ва келажакни аниқ кўра олишга ўргатади. Ҳар-бир ўқитувчи шахсида мамлакатимизнинг долзарб муаммоларини, мақсад ва вазифаларини виждонан тасаввур қилиб, аниқ бажариб бориши учун шижоат билан ўз имконияти, билими, тажрибаларини ишга солишга ўргатади ҳамда педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш малакаларига эга бўлишни тарбиялайди. Педагогик Коммуникатив қобилиятга амал қилишда ўқитувчи касбий жиҳатдан ўзлигини англаган ҳолда талаба шахсини кўра олиши ва унинг фикр ўйлари, ташвиш-қувончларига эга бўла олиш, аудиториянинг қизиқишлари ва манфаатларини илмий-ижодий ёндошуви ҳозирги замон ўқитувчисидан олий инсоний фазилатларни талаб қилади. Чунки таълим-тарбия жараёни

бўлажак ўқитувчилардан коммуникатив қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилиши ва ўқув жараёнининг натижаси идеал билан қиёсланиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. Т. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й. 16.б.
2. Э.Ғозиев. Педагогик психология асослари. -Т. 1997й. 79.б
3. В.А. Кан Калик. Учителю о педагогическом общении. М.: Просвещение. 1987г. 92с.